

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 76 (10.381)

2005 ЙИЛ 20 АПРЕЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ Дир кўни

Янгиликлар, воқеалар

Кўча

● **КЕЧА** Халқлар Дўстлиги саройида "Камалак" болалар ташкилотининг туртинчи анжумани бўлиб ўтди. Унда 2004-2005 ўқув йилида фаол бўлган "Камалак" сардорлари тақдирланди.

● **КЕЧА** Тошкент архитектура-қурилиш институтида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман "Архитектура қурилиши муаммолари" деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** Ахборот технологиялари университетида талабалар иштирокида "Ёшлар — буюк келажак бунёдкорлари" мавзусида бўлиб ўтган тадбир Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон-либерал демократик партияси Марказий Кенгаши ижроия қўмитаси томонидан уюштирилди.

● **КЕЧА** Тошкент кимё-технология институтида ўтказилган Фан ҳафталиги илмий-техникавий анжуманида профессор-ўқитувчилар иштирок этишди.

● **БУГҲН** Сергели туман ҳокимлигида туман "Оила" маркази ходимларининг шу кунгача бажарилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти томонидан уюштирилган "Кувноқлар ва зукколар" кўрик-танловининг саралаш босқичида ҳуқуқшунослик, журналистика, геология факультетлари талабалари иштирок этишди.

● **БУГҲН** Яққасарой туманидаги "Конституция" маҳалласида ёшларга "Камолот" ЁИХ туман Кенгаши ташаббуси билан "Гибвандлик-келажак кушандаси" деб номланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларининг хабарларидан.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ **АБДУҚОДИРОВ ШУХРАТ** Обиджонович Ҳамза тумани ҳокими этиб таъинланди.

Азалдан қўли гул хунармандлар халқимиз орасида эъзозланиб келинган.

Оддий ёғочдан санъат асарини даражасидаги буюмлар яратётган ёш хунарманд Жамшид Ғоиповнинг ишлари ҳам таҳсинга лойиқ.

СУРАТДА: Жамшид Ғоипов ўзи ясаган буюмлари билан.

Наталья Семёнова олган сурат.



ОТБ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Осие тараққиёт банки (ОТБ) вице-президенти Ликун Жин раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф.Муллажонов билан учрашди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги алоқаларнинг жадал ривожланиб бораётгани, иқтисодий инфратузилмани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаларида мазкур молиявий муассаса мамлакатимизнинг фаол ҳамкорларидан экани қайд этилди.

Меҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг яқинда эълон қилинган «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ўз вақтида қабул қилинганини алоҳида таъкидлади. ОТБ Ўзбекистонда банк тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларни тезлаштириш ва валюта бозорини эркин-

лаштириш жараёнида фаол иштирок этишга, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, банкларни хусусийлаштириш ва мазкур соҳаларга хоржий сармоя жалб қилишда техникавий кўмак кўрсатишга тайёр эканини маълум қилди.

Мазкур молиявий муассаса мамлакатимизда 17 лойиҳани амалга ошириш учун умумий қиймати 810 миллион АҚШ долларига тенг сармоя киритган. Бу лойиҳалар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга, янги темир йўллари барпо этишга, умумтаълим мактабларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга, кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

ОТБ вице-президенти Ликун Жин Ўзбекистон Республикаси молия вазири С.Раҳимов билан учрашувида ҳамкорлигимизнинг ҳозирги босқичи муҳокама этилиб, алоқаларнинг янги йўналишларига оид масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди. Л.Жин Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонлар фаолияти учун ҳар томонлама қўлай сармоявий муҳит яратилганини юқори баҳолади.

Шу кунги меҳмонлар Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида ҳам ўзаро ҳамкорликка доир масалалар юзасидан музоқара ўтказди.

ЎЗА

Яхши ният билан ерга кўчат экиб, турли-туман гуллар билан пойтахтимизни гулзорга айлантираётган ҳамшаҳарларимизнинг хизмати албатта таҳсинга лойиқ. Ана шундай ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари ҳозирда "Буюк Турон" кўчасида ҳам қизғин давом этмоқда.

КўЧА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасининг ихтисослашган кўкаламзорлаштириш ва ирригация шохобчаларидан фойдаланувчи марказий бошқармаси, шаҳар ирригация трестининг 3-таъмирлаш қурилиш бошқармаси ҳамда Миробод ва Яққасарой туман ободонлаштириш бошқармалари ишчилари ишлаётган ушбу ҳудуднинг айрим қисмлари қайта текисланиб, эскирган ирригация шохобчалари ўрнига манзарали темир-бетон ариқлар ўрнатилмоқда.

Шунингдек, бу ерга манзарали ва боғдорчилик давлат ҳўжалиги томонидан етиштирилган 1000 дан ортиқ арча (сасма, можжевельник), қаштан, дуб дарахт кўчатлари ҳам экилмоқдаки, келгусида ушбу ҳудуд ўзининг соя-салқинлиги билан ажралаиб туралди ва шаҳрнинг аҳолисини тоза ҳаво билан таъмин-

лашда ўзига хос ҳисса қўшади, яқин атрафда истиқомат қилувчиларнинг сеvimли дам олиш масканига айланади.

— Ҳозирда ушбу ҳудуддаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида 250 нафарга яқин ишчилар меҳнат қилишмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасининг ихтисослаштирилган марказий бошқарма бош муҳандиси Нигматилла Нурматов. — Ер текислаш, тупроқ ташиш ишларида "Ўзатойул" корхонаси ишчилари ҳам бизга яқиндан ёрдам беришмоқда.

Ҳозирда ўзгача чирой очаётган Буюк Турон кўчаси ҳудудига 3-4 хилдаги петунья, карнавал, герань каби ёзги гуллар ҳам экилмоқда.

Орзугул РУСТАМОВА

XXI сағоси

Барча малбалардан олинган сўйғи хабарлар

Мамлакатимизда

● Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида икки мамлакат савдо-саноат ташкилотлари ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида Ўзбекистон-Италия бизнес-форуми бўлиб ўтди.

● Кеча Тошкентдаги Замонавий санъат марказида республика Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида ташкил этиладиган «Камалак жилоси» расмлар кўрик-танловининг якунловчи босқичи ўтказилди.

● Кеча республика Давлат болалар кутубхонасида «Тўрт қара йўк» шиори остида давра суҳбати ўтказилди.

● «Global Finance» журнали Осиенинг ривожланаётган мамлакатларидаги 2005 йилнинг энг яхши банкларини номини эълон қилди. Мамлакатимизда «Асак» банк йилнинг энг яхши банки сифатида тан олинди.

● «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг Фарғона бўлимида «Энг илгор хабарчи» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

● «Қизилқумцемент» очик акциядорлик жамиятида турли қувватдаги асинхронли электр двигателларини таъмирлаш цехи иш бошлади. Бу ерда оғирлиги 10 тоннагача бўлган электр двигателли роторлар, тутун ҳайдовчи вентиляторлар ва бошқа мосламалар ҳам созланмоқда.

● Термиз шаҳридаги 1-мактаб шаҳардаги 16 та умумтаълим ўқув муассасалари ичида биринчи бўлиб Интернет тармоғига уланди.

Жаҳонда

● АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райс мамлакат Президенти Жорж Бушнинг бўлғуси ташрифига тайёргарлик юзасидан Москвага келди. Бу ерда АҚШ Давлат котиби Россия Президенти Владимир Путин, Ташки ишлар вазири Сергей Лавров ва мамлакатнинг бошқа расмийлари билан учрашди.

● Ватиканда янги Рим папасини сайлаш учун йиғилган 115 нафар кардиналдан иборат ҳайъат иштирокидаги тадбирнинг иккинчи кўни бошланди.

● Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти жаҳондаги 18 та мамлакатнинг лабораторияларига хато орқали юборилган H2N2 жуда хавфли грипп вируси батамом йўқ қилинганлигини билдирди.

● Парижда ушланган аёл эхтисизлик туфайли Paris-Opera меҳмонхонасида юзага келган ва 22 нафар кишининг ҳаётига зомин бўлган ёнғиннинг сабабчиси айланганини бўйнига олди.

Иқтисодиёт

ИМПОРТ
ЎРНИНИ БОСАДИ

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда ички бозоримизни сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш мақсадида кўплаб корхона, фирма ва хусусий тадбиркорлар самарали меҳнат қилмоқдалар.

«Dekol-servis» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида сифатли, кўркам ва асосийси, узоқ муддат хизмат қилувчи фризлар ишлаб чиқаришмоқда. 2000 йилдан буён фаолият юритаётган жамоа ишчи-хизматчилари Эрон, Италия, Болтиқбўйи давлатларидан келтирилган ҳам ашёдан фойдаланган ҳолда буюртмаларни бажаришмоқда.

— Ҳозирча хориждан келтирилган ҳам ашёдан фойдаланмоқдамиз, — дейди фирма директори Валишер Тўхтаев. — Бизда кўл меҳнатидан фойдаланилади, яъни кафель буюртмачининг ҳошиш-истагига кўра керакли ҳамда кесилиб, унга Италиядан келтирилган сифатли бўёқда дизайнчиларнинг компьютердаги ишланмаларига асосланган ҳолда гул, дароҳат, табиат манзараси, жониворлар сурати чизилади. Шундан сўнг унга 1000 даражада қиздирилган печда ишлов берилади.

Фирма маҳсулотлари харидорбоп бўлиб, бугун республика бўйлаб буюртмачилари йилдан йилга кўпаймоқда. Чунки худди шу турдаги хориждан келтирилган фризлар 2 баравар қиммат. Корхона тадбиркорлари доимо изланишда, улар келгусида маҳаллий ҳам ашёдан сифатли, импорт ўрнини босувчи қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни аниқ мақсад қилиб кўйганлар.

АЁЛЛАР УЧУН
БЕЗАКЛАР

Халқимизда «Дунёда биргина аёл қолса ҳам заргарга иш топилади» деган ибора бор. Бу аини ҳақиқат. Гўзал қиз-жувонларимизни зёб-зийнат, тақинчоқларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, албатта.

1994 йилдан фаолият юритаётган «RAMDOR» масъулия чекланган жамияти жамоаси аёллар учун кўркам бижутерия маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Уларнинг маҳаллий ҳам ашё — яшма, каҳланг, лазурит, жадуит, халцедон каби ўлкаимиздаги тоғлардан олинандиган тошлардан тайёрланаётгани ҳамда юртимизга кўплаб ташриф буюрувчи хорижий сайёҳлар томонидан севиб харид қилиниши, қувонарли ҳол.

Турфа рангли, турли шаклларда ишланган шафқоф, нафис, жилвакор 30 хилга яқин беэмак маҳсулотлар энг назиктаб мижозларни ҳам мамнун қилмоқда. Жамоа ахли ўзимизнинг дастгоҳ ва ускуналар ёрдамида табиий тошларга талаблар даражасида ишлов бериб, узоқ муддат ўз жилосини йўқотмаслигига эришганлар. Корхона тадбиркорлари аини кўнларда икки турдаги янги маҳсулот яратиш устида саъй-ҳаракатлар қилмоқдалар.

Муҳаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА

Мамлакатимизда нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг қулай воситаси — пластик карточкадан фойдаланувчилар сони тобора кўпаймоқда.

Қарор ва ижро

ПЛАСТИК КАРТОЧКА ИМКОНИАТЛАРИ

Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 24 сентябрда қабул қилган «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан юртимизда фаолият юритаётган тижорат банкларига бу борада муҳим вазифалар юклатилган.

— Ҳозир банкимиз томонидан чиқарилган саксон бир мингдан ортқ пластик карточка муомалада, — дейди «Ўзсаноатқурилишбанк» электрон тўлов тизимини жорий қилиш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Музаффар Тошпўлатов ЎЗА муҳбирига. — Жорий йилнинг ўтган даврида бундай тўлов воситасининг ўттиз олти минг донаси мижозларга етказиб берилди. Аини пайтда қирқ олти филиалимиз орқали етти юз саксонга савдо-сервис тармоғида пластик карточка бўйича хизмат кўрсатиляпти.

Муомалада қўлланилаётган барча пластик карточкалар ҳисобига йил бошидан буён 3,3 миллиард сўмлик маблағ ўтказилди, савдо айланмаси ҳажми эса икки ярим миллиард сўмга етди. Зарур пайтда банкоматлар орқали зарур миқдорда нақд пул олиш имконияти мавжуд.

Айтиш жоизки, пластик карточкага эга мижоз ёнида нақд пул олиб юриши шарт эмас,

лекин барча тўловларни бемалол амалга ошириши мумкин. Қолаверса, вақт тежалиб, ҳақ тўлашда харажат камаяди.

Ҳар бир карточка алоҳида PIN-код, яъни муайян пароль билан ҳимоялангани боис, ундан беғоналар фойдалана олмайдди. Карточкаларимизнинг сифати яхши, ташқи таъсирларга чидамли, қалбақлаштириш ва фибрибгарликдан қатъий ҳимояланган.

«Ўзсаноатқурилишбанк» мамлакатимизнинг 136 корхонаси ишчи ҳамда ходимларига иш ҳақини пластик карточка орқали тўлашни йўлга қўйди. Улар орасида «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти, Олмаликдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент трактор заводи, «Чирчикэлектрмиё», «Навоийазот», Навоий иссиқлик электр станцияси корхоналари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Фарғона ва Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи-нинг ўн минглаб меҳнаткашлари бор.

Пластик карточка воситасида юртимиздаги барча савдо ва нақд пул кўрсатиш шохобчаларида банк операциялари ягона тизимда амалга оширилади. Яъни мижозга қайси банк хизмат кўрсатишининг фарқи йўқ. Яго-

на умумреспублика процессинг маркази йигирмадан ортқ тижорат банки тўлов тизимини ўзаро бирлаштирган.

Бундан ташқари, жисмоний шахслар учун 58 мингта VISA карточкасини муомалага чиқардик. Унда миллий пул ва чет эл валютасида маблағ қўйиш мумкин.

Бундай карточкаларда дунёнинг исталган мамлакатида туриб нақд пул олиш, савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарида шу давлат маҳаллий валютасида ҳисоб-китоб ишларини бажарса бўлади. Ундаги хорижий валютани божхонада расмийлаштириш талаб этилмайди.

Мижозларимиз SMS BANKING - банк янги хизмат туридан ҳам унумли фойдалана бошлади. Эндиликда улар банкка бормай, ўз уяли алоқа телефони орқали VISA карточкаларидаги маблағнинг умумий ҳолати тўғрисида мунтазам маълумот олиб туриш имконига эга бўлди.

Булар мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини янада ошириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар бераётган самаралардандир.

ЎЗА муҳбири
Лазиз РАХМАТОВ
ёзиб олди.

Транспорт

ФАОЛЛИК
БИЛАН
ЎТМОҚДА

Мамлакатимизда «Харакат хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда. Биринчи апрелдан бошланган бу тадбир биринчи майга қадар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойиши билан уюштирилган бу ойлик йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир. «Тошхажарйўловчигранс» акциядорлик компанияси ҳам мазкур ойликда фаоллик кўрсатиб, қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Транспорт ва пидеалар, жумладан болалар ҳаракати серкатнов бўлган йўллар ва жойларни белгилаш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилашга эътибор қўйилди.

Кўплаб техник ходимлар жалб этилди. Ахборот берувчи техник ашёлар тайёрланиб, мурожат, эслатма ва эълонлар йўловчилар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Жойларда «Йўл қоидаси — умр фойдаси» шиори остида ўтказилаётган давра суҳбатлари ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда.

Анвар ВАЛИЕВ

— Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, Ташқи ишлар вазир Элёр Фаниев яқинда мени қабул қилди, — дейди РАТС ижроқўмининг директори Вячеслав Қосимов. — Мен уни Кенгаш мажлисининг натижаларидан, кўриб чиқилган ҳужжатларнинг лойиҳаларидан хабардор қилдим. Мазкур ҳужжатларнинг тўрттаси ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Остонада бўлиб ўтадиган навбатдаги Кенгашда кўриб чиқиш учун тавсия қилинган.

Биз Вячеслав Темурович билан унинг ишончасида суҳбатлашиб ўтирибмиз. Ўша пайтда телевизор орқали «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» фильми намойиш этилаётган ва маккор Мюллер Штирлицга қарши қопқон ҳозирлаётгани лаҳзаси кўрсатилаётган эди. Шунда ўйлаб қолдим: фашизм устидан олтинмиш йил олдин биргаликда ғалаба қозонган халққаро ҳамжамият олдида бугун бошқа бир қабоҳат — ҳеч қандай қабиҳликдан тап тортмайдиган ёвуз душман рўпара бўлиб турибди. Унинг устидан ҳам ғалаба қозониш эса бизлардан жиддий жон куйдириш ва лозим даражада қуч-ғайрат сафарбар этини талаб қилади.

Янги антитеррор тизимнинг фақат ташкилий масалаларини ҳал этишга кўп вақтни сарфлаб қўйиш бугунги ўзгарувчан дунёимизга мос келмайди, — дея сўзида давом этади Қосимов. — Шу боисдан ҳам РАТС қатор йўналишларда фаол иш олиб бормоқда. Террорчи, сепаратист ва экстремист ташкилотларнинг рўйхати тайёрланди, уларнинг фаолияти ШХТга аъзо давлатлар ҳудудларида

таъқиқланади. Шунингдек, олти мамлакат махсус хизматлари ва ҳуқуқни ҳимоя этувчи идоралари томонидан халққаро қидирув эълон қилинган террорчилик, сепаратизм ва экстремизм кўринишидаги жиноятларни содир этган ёки гумондор

ИНСОНИАТНИНГ ЁВУЗ
ДУШМАНИ — ТЕРРОРГА
ЙЎЛ ЙЎҚ

Жорий йилнинг июнь ойида Қозоғистон пойтахтида бўлиб ўтадиган ШХТнинг бешинчи саммитига тайёргарлик қўриш билан боғлиқ ишлар ниҳоясига етмоқда. Мазкур учрашувда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилати ўзининг биринчи юбилейини — ташкилот тузилганининг беш йиллигини ҳам нишонлайди. Бироқ, айнан ўтган йил, яъни Ўзбекистон раислик қилган кезлари Шанхай Ҳамкорлик Ташкилатининг фаол амалий саъй-ҳаракатлари даври бўлди. Маълумки, ўтган йили Пекинда ШХТ котибияти, ШХТнинг Тошкент саммити иши давомида тантанали равишда очилган Минтақавий антитеррор тизим (РАТС) иш бошлади. РАТС Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида терроризм, сепаратизм ва экстремизм ШХТга аъзо давлатларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига ҳамон жиддий хавф солиб тургани қайд этилди. РАТС имкониятларида фойдаланган ҳолда умумий антитеррор салоҳиятини қучайтириш юзасидан ташкилот аъзоларининг умумий иштироки яққол кўриниб турибди. Кенгаш ШХТ Тошкент саммити қарорлари ижросининг боришини, хусусан, бирлашган маълумотлар базасини ташкил этиш, махфий ахборотларни муҳофаза қилиш, ҳамкорлиқнинг ҳуқуқий заминини шакллантириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди.

бўлган шахсларнинг рўйхати ҳам тайёрланган. Бу ҳужжатларга изчил равишда аниқликлар киритилиб, янгилик борилмоқда, юқорида зикр этилган жиноятлар бўйича эса ШХТга аъзо давлатлар ваколатли идораларининг сўровларига биноан шахсларни қидириш ва экстрадиция қилиш юзасидан амалий фаолият ташкил қилинган.

РАТС ижроқўми БМТнинг Гиёванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси минтақавий ваколатхонаси, Тошкентдаги ЕХХТ маркази, Ўзбекистон пойтахтида аккредитациядан ўтган дипломатия вако-

латхоналари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйди. РАТС вакиллари БМТ Террорга қарши қўмитаси ва МДХ ижроқўми томонидан Остонада ўтказилган тўртинчи махсус йиғилишда, ҳар йили ўтказиладиган Хавфсизлик бўйича умумжаҳон конференциянинг Брюсселдаги иккинчи анжумани ишида қатнашдилар.

РАТС ижроқўми иштирокида жорий йилнинг апрель ойида Тошкентда БМТнинг Гиёванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси томонидан терроризмга қарши қўлланиладиган ўн иккита универсал воситаларнинг қонуний ижроси юзасидан нуфузли семинар ўтказилди. Қарийб йигирма давлат ва халққаро ташкилотлар вакиллари ўз мамлакатларида терроризм билан кураш бўйича универсал ҳуқуқий шартнома-ларнинг рағибиқияси ва ижроси юзасидан ўзаро ахборот алмашишлари баробарида антитеррор фаолиятининг халққаро ва миллий ҳуқуқий заминини ривожлантириш борасида биргаликдаги ҳаракатларни тақомиллаштириш имкониятларини муҳофаза қилдилар ҳамда ихтисослашган халққаро ташкилотлар фаоли-

яти билан танишдилар. РАТС қароргоҳида бўлиш ушбу сатрлар муаллифини шунга ишонтирдикки, ҳақиқатан ҳам ШХТга аъзо давлатларнинг терроризмга қарши биргаликдаги саъй-ҳаракатлари одамларнинг кўзи ўнгида аниқ мақсадга йўналтирилган ва изчил фаолият сифатида аҳамият касб этиб бормоқда. Жорий йилнинг кунда Ўзбекистон ҳудудида қўшма антитеррор машқларини ўтказиш режалаштирилгани ҳам бунинг яна бир тасдиғидир.

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА шарҳловчиси.

Маълум

“ИНТЕРНЕТ ЯНГИЛИКЛАРИ” АНГЛОТИНОМАСИ

Бугунги кунда республика миёнадаги деярли барча олий ўқув юрталари Интернет тармоғида ўз махсус сайтларига эга. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети профессор-ўқитувчилари ҳам бундай қўлайликдан баҳраманд бўлишмоқда.

Ушбу сайт очилиши муносабати билан олий ўқув юртида “Интернет янгиликлари” ойлик ахборотномасини чоп этишга киришилди. Илмий қўлланма сифатида тайёрланаётган бу нашр саҳифаларида муҳим илмий аҳамият касб этаётган йирик тадқиқотларга оид шарҳлар, университет ҳаётида юз бераётган муҳим янгиликлар ҳам ёритиб берилмоқда.

“Интернет янгиликлари” да иктидорли талабалар фаолиятлари ҳам ўз аксини топмоқда.

“АВТОРИВОЖ” ИЗЛАНИШЛАРИ

Тошкент автомобиль йўллари институтига қатор илмий-техник марказлар фаолият кўрсатмоқда. “Авторивож” илмий-техника маркази жамоаси ҳам кенг қўламда тадқиқотлар олиб бормоқда.

Мамлакатимиз автомобиль соаноати корхоналарини зарур илмий-техник ҳужжатлар билан қуроллантириш йўлидаги изланишлар ҳам муҳим амалий аҳамият касб этмоқда. Айни вақтда автомобил соҳаси бўйича тайёрланаётган ўқув плакатлари, альбомлар, слайдлардан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Автомобиль транспорти, эҳтиёт қисмлар, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича тайёрланган сертификациялар ҳам марказ ютуғи бўлди. Бундай изланиш натижалари туфайли 30 дан орტიқ техник хизмат кўрсатиш станциялари сертификатларга эга бўлди.

ЛИЦЕЙДА

“СПОРТ КУН”ЛАРИ

Алишер Навоий номидаги Республика нафис санъат лицейида “Спорт кун”ларини ўтказиш йўлга қўйилди. Ҳафтанинг жума кунлари учун белгиланган бу тадбирда барча дарслар жадал асосида ташкил этилади.

Ўқув машғулоти давомида ўқувчи ёшларга спортнинг инсон ҳаётида тутган ўрни, уни ривожлантириш истикболлари ҳақида тушунчалар берилди.

Дарслар тамом бўлиши билан лицейнинг юқори синф ўқувчилари йнгилиш ташкил қилиб, “Спорт куни” бошланганлигини эълон қилишди.

Спорт майдончаларида югуриш, футбол, кўл тўпи, волейбол, сакраш сингари спорт турлари бўйича машғулотлар бошланади. Ўқитувчилар ҳам “Спорт куни”да фаол иштирок этидилар. Улар волейбол, баскетбол мусобақаларида қатнашиб, ўз саломатликларини мустаҳкамлайдилар. “Сихат-саломатлик йили” дастури доирасида амалга оширилаётган бундай сайёҳаракат қўллаб-қувватлашга арзийди.

Акбар АЛИЕВ

Бугун атрофга назар ташлаган кишининг баҳри-дили очилади. Бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ҳамшарқларимиз кўшаётган ҳисса туфайли гўзал Тошкентимиз янада чирой очиб, фусункор қиёфа касб этиб бормоқда. Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, жаннатмакон диёримизнинг пойтахти Истиклол шарофати билан қисқа вақт ичида сийратию суврати билан энг ривожланган давлатлар пойтахти қаторидан ўрин олиб, халқаро анжуман ва нуфузли спорт мусобақалари ўтказиладиган нурли қоснога айланиб улгурди.

Хайри ташаббус

«БИТИРУВЧИЛАР БОҒИ»ДА ИШ ҚИЗҒИН

Бунда албатта пойтахтимизнинг ўн битта туманида олиб борилаётган хайри ва эзгу юмушларнинг муносиб ўрни бор. Туманлар ичида кенжаси бўлган Сергелидаги кенг қўламда юмушларга назар ташласак беҳитиёр кўнглига илқикли югуради, кишиларнинг гайрат-шижоати, она юртининг порлок истикболи йўлидаги меҳнати, изланишидан фахр туйғуси жўш уради.

Кўни кечагина Сергели туман фаоллари ибратли ташаббус билан чиқиб, «Ўз уйимиз, маҳалламиз ва ҳудудимизни ўзимиз обод қилайлик» танловини эълон қилган эдилар. Катталар ибрати ёшларга қанот бўлиб туман ёшлар



ри ҳам бутун шаҳримиз ёшларини сафарига чорлаб пойтахтимиз жамолига кўрк кўшувчи, атрофга файзу тароват бағишловчи ишга кўл урдилар.

Тумандаги 284-, 301-мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари «Битирувчилар боғи»ни бунёд этиш ҳақидаги тақлиф билан туман ҳокимига чиқдилар. Ёшларнинг ибратта моллик тақлифлари албатта ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланди, зарур техника воситалари



ри ажратилиб, туман халқ таълими, ободонлаштириш бўлимлари, ширкатлар уюшмаси, Тинчлик, Собир Раҳимов номли маҳаллалар фаоллари ҳамкорлигида ишлар бошлаб юборилди. Яъни 1,5 гектардан ортиқ каровсиз ҳолда ётган ер тош ва чиқиндилардан тозаланиб, дарахт ва гуллар экишга мўлжалланган майдон ҳолига келтирилди. Биз бу ташаббус ҳақида эшитиб ушбу ҳудудга етиб борганимизда ўқувчи-ёшларнинг берилиб ишлаётганларини кўриб тўғриси, қувондик. Майдонда ҳар бир синф учун алоҳида ер ажратилган, кимдир дарахт ўтказаяпти, кимдир сув чиқариш учун ариқ қазияпти, кимдир ўртадаги гулзор учун жой текислаяпти. Албатта уларга туман ҳокимлиги вакиллари, маҳалла фаоллари, ота-оналар бош-қош.

— Ёшларимизнинг гайрат-шижоатидан биз ҳам гурурланиб кетдик, — дейди биз билан суҳбатда туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилором Раҳимжоновна. — Имон қадар уларни қўллаб-қувватлашга, ёшларни меҳнатсеварликка, она табиятини асраш, авайлаш, юртимиз чиройига-чирой қўшишга чақирувчи ташаббусларига қанот бўлишга интиломқдамиз.

— Бу йил мактабимизни 101 нафар ўқувчи битириб, катта ҳаётга йўланма олади, — дейди 284-мактаб директори Муқаддас Қодирқулова. — Бунёд этишга киришилган боғимиз эса синфдошларнинг учрашиб, дийдорлашадиган энг азиз масканларига айланади. Ҳар бир битирувчининг ўз дарахти бўлади, экилган санаси, таштчаларга исми-шарифи ёзилиб, муҳрланиб қўйилади. Улар бошланган хайрли ишни, боғдаги дарахтларни парваришлаб кўз қора-

чигидек сақлашни кейинги йил битирувчилари давом эттираверадилар. Мактаб, маҳалла, оила ҳамкорлиги узилмас ришгага айланади.

— Шу кунгача 6000 дан ортиқ манзарали ва мевали дарахтлар экиб бўлинди, — дейди 301-мактаб директори Жамила Синдарова. — Албатта, уларнинг авж олиши, атрофни тоза, озода сақлаш, вақтида сув етказиб бериш,



боғни қаровсиз қолдирмаслик катта меҳнатни талаб этади. Биз катталарни хурсанд қилган нарса шуки, ўқувчиларнинг ўзлари маъсулликни зиммаларига олиб бу ишга кўл урдилар. Катта ҳаёт оstonасидаги илк қадамларни фойдаланиб юмуш билан бошлашга аҳд қилган ўқувчиларимизга кўмакдош бўлишни, 3-4 йилдан кейин катта орзу-ниятлар билан иш бошланган куруқ ер ўрнида мўъжазгина бог, қулф уриб турган гулзорни қиришни жуда-жуда истаимиз ва бунга албатта ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Биз ҳам эртამиз пойдевори, келажак эгалари бўлган ёшларнинг хайрли ташаббусини қўллаб-қувватлаб унинг шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам кенг қулоч ёйишини тилаб қоламиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: «Битирувчилар боғи»да иш қизгин
Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

Ўзбек фольклорининг бебаҳо дурдоналари дунё маданияти хазинасида муносиб ўрин тутали. Шу боис халқимизнинг бой маънавий меросига, оғзаки ижодида хорижда ҳам қизиқиш катта. Яқинда Париждаги «Langues & Mondes» ва «L'Asiatheque» нашриётлари ҳамкорлигида «Нурали» дostonини француз тилида чоп этди. Уни шарқшунос олим Рему Дор ўтирган. Китобга дostonнинг аслияти «Нурали ботир ва Марғувон пари» номи билан янги ўзбек алифбосида илова қилинган.

«НУРАЛИ» ДОСТОНИ ФРАНЦУЗ ТИЛИДА

«Гурўғли» туркумидаги ушбу дoston 1937 йилда Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган. Унда мардлик, олижаноблик, муҳаббат ва садоқат каби фазилатлар тараннум этилган.

Пойтахтимиздаги Марказий Осиёни тадқиқ этиш француз институтига ушбу китобнинг тақдими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Т.Мирзаев, мазкур институт раҳбари, дoston таржумони Р.Дор, фольклоршунос олим М.Жўраев ва бошқалар «Нурали» дostonининг фаранг тилида чоп этилиши Ўзбек-

кистон билан Франция маданият алоқаларининг тобора мустаҳкамланиб бораётганидан яна бир далолат эканини алоҳида таъкидладилар.

Тадбирда Франциянинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Жан-Бернар Харт иштирок этди.



Р.ЖАББОРОВ,
ЎЗА мухбири.

ЯНА ИККИ ЛОМБАРД ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида жойлашган «Шарқ-кредит» ҳамда «Хазина-холд» ломбардларини рўйхатга олди. Шундай қилиб, бундай муассасалар сони учтага етди.

Мижоз ломбардга бирор буюмини муайян вақтга гаровга қўйиб, эвазига қарз олиши мумкин. Бу жараён бир неча дақиқада амалга оширилади,

ортиқча ҳужжат ҳам талаб этилмайди. Гаровдаги мулк қиймати томонларнинг ўзаро келишуви ва эксперт ҳулосасига кўра белгиланади. Олин-

ЯНГИ ЙўНАЛИШДАГИ МАГИСТРАТУРА

Тошкент педиатрия-тиббӣёт институтига таълимнинг қатор йўналишлари бўйича билимлар берилмоқда. «Соғлиқни сақлашда менежмент ва жамоат тиббӣёт» йўналишида олиб борилаётган машғулотлар ҳам бўлажак шифокорларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Олий ўқув юртида ана шу билим ва кўникмалар бўйича магистратуранинг очилиши ҳам айни муддао бўлди. Магистратура таълимидан дарс бериш учун мустаҳкам ўқув негизи яратилди.

Тажрибали ўқитувчилар жалб этилди.

Улардан беш нафари Германиянинг Оснабрюк ва Испаниянинг Барселона университетларида ўз билим ва маълумотларини ошириб қайтдилар.

Орттирилган бой тажрибалар магистрантларни ўқитишда кўл келмоқда. Бундан ташқари немис таълими технологиялари бўйича машғулотлар ҳам олиб борилмақда.

Аҳмад АББОСОВ

2005 — СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

Бу ёруғ оламда одамзотга нима керак? Биринчи навбатда тинчлик ва хотиржамлик, соғлиқ-саломатлик зарур. Жону-жисми соғлом, куч-кувати бор онгли инсон ҳар қандай ишни бажаришга қодир. У меҳнатдан чарчамайди. Узининг бор кучини фойдали ишларга сарфлайди. Оиласи қорига яраб, келажаги порлоқ юртимизнинг сарбаланд кошонасига гишт қўяётганидан faxрланиб юради. Шундай экан, одамзот ўз соғлиги ҳақида ҳамиша ўзи қайғуриши керак. Бошқача айтганда, инсон ўз-ўзини қадрлашни, ўз қадрига этишни ҳаётининг қондасига айлантириб олиши лозим. Бунинг учун у ўз турмуш тарзини оқилона йўлга қўйиши, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш мақсадида маданий соғлом ҳаёт талабларига амал қилиши шак-шубҳасиз катта ўрин тутайди. Ўтаётган йилимизнинг Юртбошимиз томонидан Сиҳат-саломатлик йили деб номланишининг мазмун-моҳияти ҳам ана шунда.

Юксак чўққини кўзлаган одам маълум масофани босиб ўтгач, орқага бир қараб қанча йўл босганини чамалаш одати бор. Шу маънодан келиб чиқиб ўз-ўзимизга: «Сиҳат-саломатлик йилимизнинг тўртинчи ойи ўтиб борапти, ҳўш, бу давр ичида нималарга эришдигу, нималар эътиборимиздан четда қолмоқда?» деган савол билан мурожаат қилсак ўринли бўлади.

Сиҳат-саломатлик йили бўйича давлат дастури қабул қилинди. Унда белгиланган вазифалар имконият даражасида адо этилмоқда. Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини янада шакллантириш, аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, оммавий жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни кенг йўлга қўйишга қаратилган чора-тадбирлар бўйича анчагина ишлар қилинди. Жойларда юрт келажаги бўлмиш ёш авлоднинг жисмонан соғлом, маънавий баркамол бўлиши йўлида зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Аналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом фарзанд туғилиши, соғлом она — соғлом бола мақсадли вазифасини амалга ошириш, республиканинг барча аҳоли пунктлари, энг аввало қишлоқ аҳолисини «Она ва бола скрининги» дастури билан қамраб олиш, пенсионер ва ногиронларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга тиббий, санитарий-курорт ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолининг кенг қатламлари фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш, жойларда тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ташхис ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш йўлида ҳам ибратли ишлар давом этмоқда.

Лекин ҳар қанча мақтовга арзигулик ишларимиз ҳақида гапирмайлик, бу борада ҳамон жойларда учраб турган баъзи нуқсон ва камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бир сўз билан айтганда ҳали кўзлаган мақсадга тўла-тўқис эришганимизча йўқ. Бу йўлдаги ҳаракатларимиз давом этмоқда. Шуниси қувончлики, борар манзилимиз аниқ. Аниқ марра кўзлаган инсон эса ҳеч қачон ярим йўлда қолиб кетмаган. У албатта ҳар қандай тўсиқларни енгиб бўлсади, мақсадига эришажаклиги исботини топган ҳақиқат.

Ийларимиз бири-биридан гўзал номланади. — Энг муҳими, улар бир-бирининг узвий давомийлиги туфайли бошланган режалар тўла-тўқис ниҳоясига етказилади, — дейди биз билан суҳбатда олий тоифали шифокор Амириддин Аҳмедов. — Жорий йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб аталиши барчамизнинг кўнглимизда-

ги иш бўлди. Сабаби, инсон учун саломатликдан ортиқ бахт йўқ. Қаердаки, соғлом турмуш бўлса, ўша ерда соғлом фикр, мазмунли умр кечади.

Инсон — табиатнинг буюк мўъжизаси. Шундай экан, у саломатлигини асраган тақдирда табиатни, ҳаёт давомийлигини асраган бўлади. Албатта, биз шифокорлар инсон саломатлиги учун камарбастамиз. Уларнинг соғлиги йўлида кеча-кундуз фидойилик қилишга ҳозир-нозиримиз. Лекин жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ўз соғлиги устида назорат ўрнатиб, керакли вақтда биз шифокорлар томонидан тегишли маслаҳатларни олиб турса ҳар қандай дарддан ҳоли юради. Ахир айтадиларку касални даволагандан кўра, олдини олган яхши деб. Шундай тушунча билан яшасак ишончим комилки, саломатлигимиз ҳамини мустаҳкам бўлади, эл-юртга фойдамиз кўпроқ тегади.

Энди айтинг, биз ҳамини мутахассисларнинг мана шундай доно фикрларига амал қиламизми? Афсуски йўқ. Ўз ҳақимизда қайғуришни мутлақо унутиб кунларимиз иш, оила ташвиши, яна бир қанча юмушларни бажариш билан ўтади. Югур-югур билан ўтган йилларимизни ҳам билмай қоламиз. Ҳатто саломатлигимиз ёмонлашаётганини била туриб ҳам чала қолган юмушларимизни, дабдабали тўйларимизни ўтказиб олиш дардида елиб-югурамиз. Борди-ю эртага бошимиз ёстиққа тегиб қолса бу ёғи нима бўлади, деб ўйламаймиз ҳам. Иложи борида бу саволдан ўзимизни йироқ тутушига ҳаракат қиламиз. Ётиб қолсак, режадаги барча орзу-умидларимиз бир йўла чил-парчин бўлишини ҳаёлимизга келтирмаймиз.

— Мен беш боланинг отасиман, ёшим 56 да. Соғлигим ҳақида бутунлай қайғурмай қўйган эканман. Бошим ёстиққа теккан кун унининг қадрига ётдим. Шифокорларга раҳмат, дардига малҳам бўлишди, ширинсуханлик билан мени тез кунда даволаб оёққа турғазиди. — деб ёзади бизга газетхон Қодир Исмолов.

Мана яна бир хат. — Табиат яратган мўъжизалардан баҳра олмақ учун инсон соғлом, бакуват, бардам бўлмоғи керак. Иссиқ жон, баъзан лоқайдлигимиз, эътиборсизлигимиз ёки ҳаётий тасодифлар туфайли бу чегара бузилади. Булар ичида энг ёмон ва кутилмагани тасодиф туфайли содир бўладиган фалокат, — деб ёзишбди бизга Одиловлар оиласи. — Яқинда бизнинг оиламизда ҳам шундай мудҳиш ҳол рўй берди. Кўзимизнинг оқуқораси ёлғиз кизимиз машина фалокатига учради. Ноҳуш хабардан эсимиз оғиб қолди. Сўнг касалхонага югурдик. Борганимизда қабулхонанинг жарроҳлик бўлимида кизимизга биринчи ёрдам кўрсатилган экан. Нуридийдамизнинг аҳволи анча ен-

гиллигини эшитиб кўнглимиз бироз таскин топгандек бўлди. Шифокорларга миннатдорчилик билдирдик. Фалокат сабабчиси ҳайдовчи йигит ҳам шу ерда экан. У бизга кўрқалпаса яқинлашди, кўз ёш тўкиб кечирим сўради. Албатта у бечора ҳам атайлаб қилмаган бу ишни. Шундай бўлсада қилимиздаги ранж ва алам устун келиб зўр-базўр унга ён бердик.

СОҒЛИҚ — ОЛТИНДАН ҚИММАТ



Эртасига таскин топган кўнглимизга қайта гулув тушди. Беморнинг аҳволи кечаси оғирлашиб қолганлигини, уни зудлик билан операция қилиш лозимлигини айтишди. — Қўлимдан келганча ҳаракат қиламан, лекин озорқо ҳаражати борда, — деди уни операция қилмоқчи бўлган жарроҳ.

Биз ўшанда ўзимиз билан бўлиб гап тагидаги нимкосани англаб этиш ҳолатида эмасдик албатта. «Харажат» деган сўзни дори-дармон ва операция учун кетадиган пул маъносида тушунибмиз. У бизга жилмайиб қўли энгиллигини айтди, кизимизнинг тезда соғайиб, оёққа туриб кетишига ишонч билдирди. Аёлимиз билан дардимизга малҳам бўлмоқчи бўлган бу инсонга қайта-қайта миннатдорчилик билдириб, унинг хонасидан чиқдик.

Бизда яхшилиқка яхшилик қайтариларди одат бор. Шундан келиб чиқиб жарроҳ йигитга олдиндан ўзига хос совға-салом тайёрлаб, уни кизимиз касалхонадан чиқадиган кунни топширмоқчи бўлдик. Ўша қувончли кун келди. Лекин шифокоримиз биздан аллақандай ранжигандек бўлиб совғамизни қабул қилмади. Кейин билсак у биздан пул талаб қилган экан.

Шу хат баҳона биз узоқ йиллик жарроҳлик тажрибасига эга бўлган кўзимизга: «Бугунги кун шифокори қандай бўлиши керак?» деган савол билан мурожаат қилдик.

— Давримизнинг энг илғор кишиси бўлиши керак. Шифокор ҳар томонлама атрофдагиларга ўрнак бўлиши лозим. Чунки у ҳамини эл эътиборида бўлади. Яқин таниш-билишларнинг нигоҳи кўпроқ унга қаратилади. Кўпгина беморлар ўз соғлиқларини тиклаш учун мана шундай намунали шифокорларни сўраб-сўраштириб, керак бўлса истаб топишади, ҳатто ўз ҳаётларини ишо-

ниб улар қўлига топширишади. Фараз қилинг, ўзи озодалик ҳақида лоф уриб турган шифокор бир ҳолатда кийиниби юрса, ўзи чекиш ва ичкиликнинг зарари хусусида гапирари туриб, эл кўзи олдида ичиб-чекиб турса, муомала маданияти тўғрисида ваъз айтиб, ўзи бунга риоя қилмаса, бунга шифокор ким ишоннадию, ўз дардини унга айтади. «Домланинг айтганини қил, қилгани-

ўтказадиган бўлдик. Баъзи сабабларга кўра йўллангани муддатидан бир оз ўтказиб кечикиб бордик. Қабул бўлимидаги шифокор ноҳушгина кутиб олди. Кечикканлигимизнинг сабабини сўради. Узримизни қабул қилмади.

— Вақтида келишингиз керак эди. Сизнинг ўрнингизда бошқа одам ётибди. Ҳозирча жой йўқ. Бош шифокордан руҳсат олишингизга тўғри

келади, — дея бизни унинг ҳузурига йўллади. Қабулхонага кириб котибага мурожаат этдик. — Ўтириб туринлар, ҳозир у киши муҳим иш билан бандлар, — деди у ўзига оро беришдан тўхтамай.

Кутдик. Ярим соатча вақт ўтгач, тоқатимиз тоқ бўлди. — Илтимос айтинг, бизнинг у кишида бир оғиз сўзимиз бор эди холос, — дедик котибага юзланиб. — Ҳамма ҳам шунақа бир оғиз сўз билан қирадида, кейин эзмаланиб ўтиради, — деди энаси котиб.

У билан тортишиб ўтириш фойдасизлигини сезиб, шахд ўрнимиздан турдикда, котибанинг ҳай-ҳайлашига қарамай, бош шифокор ҳузурига кириб бордик. Унинг муҳим иш билан бандлиги шуки, яқин улфатларидан бири билан сигарет тутатиб, ҳангомалашиб ўтирган экан. У бизни: «Қанақа одамсизлар, бироз ҳоли кўясизларми-йўқми? Ахир қонунқоидага риоя қилсаларингиз бўлмай-дими?» деган гап билан кутиб олди.

— Муддати ўтиб кетибдику. — Бир кунгина холос. — Бир кунми, ярим кунми бизга барибор. Уз вақтида келиш керак. Ишимиз битмагунча ҳузурини тарк этмаслигимизни сезиб қабул бўлишга кўнғор қилиб бизга жой беришларини айтди.

Уша йили кўнгилсизлик билан бошланган дам олишимиз очиги бизга татилади. Қизиги шундаки, унинг ниҳояси ҳам кўнгилсизлик билан ту-

габ, муддатидан уч кун олдин сиҳатгоҳни тарк этдик. Мана, яна бир мисол. Ўтган йили Чимёндаги Темирйўлчилар сиҳатгоҳида дам олди. Кулай энгил машина учраб қолиб, йўлланмада белгиланган кундан икки кун олдин сафарга отландик. Сиҳатгоҳга кириб боришимиз тушлик пайтига тўғри келди. Қабул бўлимидагилар бизни меҳмоннавозлик билан кутиб олишди.

— Хўш келибсизлар, сиҳатгоҳимизга. Сизларга хизмат кўрсатишдан бахтиёримиз. Мана шу уч-тўрт оғиз сўзнинг ўзи икки кун олдин бизни қабул қилишга рози бўлишармикан, деган ташвишимизни тарқатиб, кайфиятимизни кўтариб юборди. Танишгач, узримизни айтиб йўллангани кўрсатдик.

— Ҳечқиси йўқ, — дейишди улар, — ҳозир тушлик пайти. Йўл юриб чарчагансизлар. Юқларингизни шу ерда қолдириб, олдин тушликка чиқиб келинлар, кейин гаплашамиз. Ҳамшира Гўзалхон Низомова бизни ошхона томон бошлади. Жойлаштириб, ошпазлар билан таништирди.

Тушлик қилиб қайтгач бош шифокор бизни қабул қилди. — Икки кун нари-берисининг фарқи йўқ. Тошкентдек шахри азимдан умид билан келибсизлар, сизларни қабул қилмай кўчада қолдирсак бу қанақа меҳмондўстлик бўлади. Фақат йўлланма муддатидан икки кун олдин руҳсат берамизда сизларга, — деди бизга мулоимлик билан юзланиб.

Бу ерга соғлиқни тиклаш ниятида қилган 12 кунлик сафаримиз шу қадар мазмунли ўтдики, мириқиб ҳордиқ қизиб қайтдик. Ҳаммасидан ҳам сиҳатгоҳда хизмат қилаётган тиббий ходимларнинг ширинсуханлиги бизни қўйиб қолдирди. Улар бир оғиз сўз билан шу қадар кўнглингизни кўтариб юборишадими, кун бўйи руҳиятингизда аллақандай энгиллик ҳис этиб юрасиз.

Ана сизга икки хил сиҳатгоҳдаги икки хил муносабат. Бирини фақат яхшилик билан эслайсиз. Бирини ҳал-ёллаб ранжийсиз. Аслида ҳам беморга ҳар қандай дори-дармондан олдин унга шифокорнинг ширин сўзи керак. Мана шунинг ўзи унинг жисмига ўрнашган ҳар қандай касалнинг биринчи давоси. Ахир ширин сўз айтиб оддий сув билан ўлим тўшаида ётган беморни оёққа турғазиб юборган тибби ҳақидаги ривоят халқимиз орасида бекорга тарқалмаган-да. Ҳар қандай ривоят ва ҳикоятнинг тагида эса ҳақиқат ётади.

Соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ саволларимизга узоқ йиллик тажрибага эга бўлган шифокор Қутбиддин Низомов шундай жавоб берди: — Аввало ҳар бири киши ўз саломатлиги ҳақида қайғуриши керак. Чунки саломатлик бичилса, ҳаётнинг издан чиқади, ейиш-ичиш, ҳатто ухлашда ҳам ҳаловат бузилади. Шунинг учун кўпни кўрган нуроний отахонларимиз «Соғлиқ — олтиндан қиммат» дейишади. Лукмони Ҳаким айтади: «Инсон ўзоқ умр кўриши мумкин. Лекин биз ўзимизнинг тийиқсизлигимиз, пала-партишлигимиз, ўз организмизга нисбатан шафқатсизлигимиз туфайли бу муддатни кўп йилларга қисқартириб юборамиз. Шу ўринда ўз-ўзидан: «Хўш, инсон соғ-саломат юриши учун нималарга эътибор бериши керак» деган саволнинг туғилиши табиий. Бунинг учун биринчидан, бадантарбия билан мунтазам шу-

ғулланиш керак. Саломатликни сақлаш ҳамда турли касалликларнинг олдини олишда ундан яхши восита йўқ. Чунки чиниқиб — ташқи муҳитнинг зарарли таассурот, омилларига нисбатан организмнинг қаршилик қувватини оширади. Иккинчидан, чекиш ва ичишдан мутлақо ҳоли бўлиш керак. Бизнинг бугунги фарован турмушимизнинг қадрига етмаган баъзи кишилар чекиш ва ичиш каби ёмон иллатларга ружу қўядилар. Бунинг оқибатида соғлиқларидан ажралиб, меҳнат қобилиятини йўқотдилар. Оилаларини барбод этиб, ўзларини телбалик касалига мубтало этадилар. Шунинг учун халқимиз ичкиликни «умр заволи», «ҳаёт оғуси» деб атади. Ибн Сино айтганидек: «Шароб — заҳарларнинг биридир».

Шифокорнинг сўзларини тинглаб туриб бир ривоятни эсладик: — Эз кунларинг бирини 80 ёшга кирган бир чол ёғочдан ясалган уйда ўтирганди. Қариянинг соч-соқоли жуда оқарган бўлса-да, юзи тўладан келган, белда қувват бор, қўллари эса бакуват, хуллас ҳамма аъзолари саломат эди. Рўпарасида унинг неварани эваралари ўйнаб юрган-ди. Шу вақт бир йигит келдида чол билан саломлашди. Чол бироз сўзлашиб ўтиргандан кейин ундан шунча ёшга етган бўлса ҳам, ёш йигитлардек қувватли ва ғайратли эканининг сабабини сўради. Шунда чол:

— Ота-онам ёшлигимдан бошлаб, кун чиққунча ўрнимда ялқовланиб ётишга руҳсат бермади. Шунинг учун эрталаб дарҳол ўрнимдан туриб бир иш билан машғул бўлдим. Иш ва меҳнатдан сира ҳам эринмадим. Ичиш ва чекишга ружу қўймадим. Илмга ихлос билан берилиб, уни ўлда-жўлда қолдирмасдан тўла-тўқис би-туришга ғайрат қилдим. Бутун умримни иш ва меҳнат билан ўтказдим. Меҳнат бутун аъзойимни қувватли қилди. Менга узоқ умр, саломатлик бағишлади. Энди ўғилларим ва набираларимни ҳам меҳнатга ўргатяпман. Агар сизлар ҳам мендек кўп яшашни, қувватли, соғ-саломат бўлиб умр кечирини истасангиз меҳнатдан асло тортинманг. Ҳар вақт ихлос билан берилиб меҳнат қилган, ялқовликдан йироқ бўлган кишининг умри узун бўлади, — деб жавоб берди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб яна бир бор тақдорларимизга тўғри келади, бу ҳаёт уммонида инсон яшар экан, ҳар қандай ноҳуш ҳолатлардан ҳоли бўлиши учун биринчи навбатдан унинг ўзи ўз соғлигининг посбони бўлиши керак. Тиббиёт ходимларига тилагимиз, уларга давлатимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилаётган бир даврда, айниқса Сиҳат-саломатлик йилида Гиппократ қасамига ҳамини содиқ қолишларини истардик. Ҳар қалай гуруҳ орасида қурмак бўлмагани яхши-да.

Хулоса қилиб айтганда, Сиҳат-саломатлик йилимиз жамиятимизнинг тараққиёти йўлида, янги поғонага кўтарилишида, унинг моддий ва маънавий ҳаётида муҳим босқич бўлади. Ниятимиз эса ҳолис. Бу йилимиз ҳам ўтган йилларимиз сингари хайрли кечсин. Юртимизни ёмон кўзлардан асрасин, осмонимиз ҳамини мусаффо бўлсин. Сиҳат-саломатлик жисмимизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲАҚИҚАТ
Домо билур...

• Эй азиз, араблар орасида «Бахиллик оловдир» деган мақол бор. Чунки бахиллик ўз соҳибини ғам ўтида ёндиради. Араблар бировни бахилликда айбламочки бўлсалар, уни «Нодир бахил» дейдилар. Бу сўзнинг келиб чиқишига Нодир исмли киши сабаб бўлиб, унинг тарихи қуйидагича экан. Айтишларича, Бани биллол қавми орасида Нодир исмли киши бўлиб, у бахилликда маълум ва машҳур бўлган экан. У ҳар кун ўз туяларини суғориш учун қудуқдан сув тортиб олар, қудуқ ёнидаги ҳовузчага қуйиб суғорар ва туялардан ортиб қолган сувни ҳовуздан яна қайтиб олиб далага сепиб юборар ёки ортиқча сувни ифлослаб қўяр экан. У ҳар кун шу одатини такрорлашини қўймас экан. Унинг яна бир қилиғи бўлиб, туялар тезагини тепалаб, тупроқча аралаштириб юборар экан. Чунки тезакдан ўтин сифатида бошқалар фойдаланишини хохламас экан. Шунинг учун уни «Нодир бахил» дейишарди. Ушундан бошлаб ким бахил бўлса уни «Нодир бахил» дейиш одат тусига кириб қолибди.

• Бахил одамга ҳамма одам ёмон бўлиб кўринади.

Бахил учун дунёда

роҳат йўқ,

Бахилнинг ўз

дарди ўзига етади.

Ҳар қандай оловни сўндириш мумкин. Аммо бахиллик оловини сўндириб бўлмайди.

Юзинг қора бўлса айб эмас юрагинг қора бўлмасин.

Бахилга меҳмон бўлган киши ҳеч қачон қорин оғриғига учрамайди.

• Бахил яхшиликни ёмон кўради, ёмонликка эса қарсак уради.

Бахиллик бир тикон, агар у кимга ботса ўлдирмай қўймайди.

Бахил одам йўлдош бўлмайди: бордию йўлдош бўлиб қолса қорни шишиб ўлади.

• Бир подшо рикобдорлик вазифини баҳаруви мулозимига қараб: «Бир сирим бор, аёёнлардан ҳеч кимга айтишга кўнглим бўлмаяпти, уни сенга айтмоқчиман!» — деди. Рикобдор унга:

Жоним таним ичра

бор экан пинҳон,

Сиринг жоним ичра

яширин мудом,

— деб жавоб берибди. Подшо унга: «Акамдан хавфдаман, унинг зарари менга етмай туриб, вужудининг тиконини мамлакат чаманидан юлиб ташламоқчиман!» — деди.

Рикобдор аҳвол саҳифасига бевафоллик рақамини чекиб, унинг акаси олдига етиб борди ва бўлган воқеадан уни огоҳ қилди. Подшонинг акаси вақтида чора-тадбирини кўриб қочи кутулди.

Орадан бир қанча муддат ўтгач, подшо ўлди ва унинг ўрнига акаси тахтга ўтирди. Унинг биринчи фармони рикобдорни ўлдирish ҳақида бўлди. У рикобдорга деди:

Тилинг бўлса эди

сир учун йўлдош,

Қиличдан узилмас

эди хаста бош!

Шундай қилиб, рикобдор маломат ўкига нишон бўлди ва кўрнамаклик қуръаси унинг ҳаётига тамга бўлиб босилди.

Анжуманлар

АДИБ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбек адабиёти равнақига катта ҳисса қўшган атоқли ва ардоқли адибимиз Ойбекнинг кутлуг бир асрлик юбилеи муносабати билан юртимизнинг барча гўшаларида турли хил тадбирлар, учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Яқинда Фафур Фулом уй-музейида Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан «Еш авлод таълим ва тарбиясида Ойбек ижодининг маънавий маърифий аҳамияти» мавзусида адабий-илмий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирнинг педагогика фанлари номзоди Нилуфар Йўлдошева ва кириш сўзи билан очиб, Ойбек шеърларидан парчалар ўқиди.

Шундан сўнг профессорлар Умарали Норматов ва Наим Каримов «Ойбек ва Фафур Фулом», «Умумий ўрта таълим мактабларининг адабиёт дастур ва

дарсликлариди Ойбек ижодини берилиши, унинг ўзига хос жиҳатлари» мавзуларида сўзга чиқдилар.

Шунингдек, А.Авлоний номидаги халқ таълими раҳбар ходимлар малакасини ошириш марказий институтининг апрель ойида курс ўқишига келган умумий ўрта таълим мактаблари директорлари ҳам ўзларининг дил сўзларини, лапару, шеърларини изҳор этдилар.

— Машҳур адибимиз Ойбек ўзининг бутун ҳаёти ва ижоди билан халқнинг меҳр-муҳаббатини қозонган ажойиб инсон эди, — деди жумладан А.Авлоний номидаги малака ошириш

институтининг маънавий-маърифий масалалар бўйича биринчи проректори Собир Зиёев. — Унинг ўлмас асарлари, гўзал шеърлари абадул-абад тарих саҳифаларида қолади. Институтимизга малака оширишга келган ўқитувчиларнинг эса, мактабларда Ойбек ҳаёти ва ижодини янада кенроқ тарғиб қилишларига ишонамиз ва ушбу тадбирни ташкил қилишда яқиндан туриб ёрдам берган Фафур Фулом ва Ойбек уй-музейи ходимларига, икки забардаст адибнинг ўғил-қизларига ва яқинларига миннатдорчилик билдириб қоламиз. Дарҳақиқат, ушбу кеча гўзал

ҳис-туйғуларга, ёрқин хотираларга бой тарзда ўтди. Фафур Фуломнинг қизи Олмос Фуломова ва Хамид Олимжоннинг қизи Хулкар Хамидоваларнинг болалик ва ёшлик хотиралари, икки адиб оилалари ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ришталари ҳақидаги дилтортар суҳбатлар йиғилганлар қалбидан муносиб жой олди. Шаҳримиздаги 90-мактабнинг 7-синф ўқувчилари эса Ойбек шеърларидан парчалар ўқиб, асарларидан саҳна кўринишларини ижро этдилар.

Анжуман сўнгида Фафур Фулом ва Ойбек уй-музейи ходимлари томонидан тадбир иштирокчиларига совға тариқасида адибнинг китоблари тарқатилди.

Мулоҳаза, мунозара, мушоҳада ва ёрқин хотираларга бой тарзда ўтган анжуман барча иштирокчиларга манзур бўлди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Танловлар

БАЛЛИ, ҚИЗЛАР

«Бунёдкор» ёшлар телеклубида турли хил мусобақалар, танловлар, ижодий учрашувлар, мушоира кечалари мунтазам ўтказилиб турилибди. Бундай тадбирлар ёшларнинг тафаккурини ошириб, ақлини, онгини чархламоқда.

Яқинда ушбу масканда «Балли, қизлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда «Бунёдкор» ёшлар телеклубининг «Асилзода», «Тиббиёт», «Экология», «Аср ёшлари», «Inter-art», «Журналистика» гуруҳлари қизлари иштирок этдилар.

— Бу танловни ўтказишимиздан мақсад, — дейди Асилзода гуруҳи бошлиғи Хуршида Сапарова, — тенгдошларимизнинг иқтидорини, билимини, истеъдодини янада ошириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишни ташкил қилишдан иборатдир. Танловни уюштиришга бизнинг гуруҳимиз бош-қош бўлди ва мазкур тадбир иқтидорли қизларимизни аниқлаб берди.

«Балли, қизлар» кўрик-танлови олти шартдан иборат бўлиб, саломлашиш, ижодий чиқиш, пазандачилик, журналистика маҳорати, Сиҳат-саломатлик йили доирасидан саҳна кўринишлари ва оила муқаддас макон мавзуларини қамраб олди.

Танловда «Журналистика» гуруҳи сардори Шаҳноза Ҳайдарова биринчи, Асилзода гуруҳи аъзоси Муҳаббат Раҳматова иккинчи,



учинчи ўринга эса «Inter-art» гуруҳидан Нилуфар Хусанова сазовор бўлди.

— Бу танловда иштирок этган қизларимизнинг барчаси ақли, одобли, билимли. Улар ўзларининг бор маҳоратларини, илмларини, ўзбекона ҳаё-ибо, урф-одатларимизни шу қалар жой-жойига қўйиб ижро этишди-ки рости ҳаяжонланиб кетдим, — дейди Гулчехра Ка-

римова Оқтепа маҳалласи диний маърифат маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи. — Келажакимиз давомчилари

бўлимиш бу ёшлар жудаям шижоатли, доно ва зукко экан, имкони бўлса уларнинг барчасига голиблик соҳибини тақдим қилардим. Ҳаммаларига ўқишларида омадлар тилаб қоламан.

Танлов голибларига дипломлар ва махсус совғалар топширилди.

Гулиногор САТТОВА
СУРАТДА: «Балли, қизлар» кўрик-танловидан лавҳа.

Тадбирлар

ФЕСТИВАЛЬ ДАВОМ ЭТАДИ

Мамлакатимизда санъатга эрта меҳр қўйган — жарангдор овоз соҳиблари, ракс усталари бўлган ёшларимиз талайгина.

Яқинда Шайхонтоҳур тумани 7-болалар санъат мактабида «Ассалом, Наврўз» мавзусида мусиқа фестивали ўтказилди.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу санъат фестивалига фортепиано, пуфлаб чалинадиган чолғу асбоби, хореография ҳамда тасвирий санъат, гитара йўналишларига, эндиликда эстрада қўшиқчилик санъатининг ҳам қўшилиши янгилик бўлди.

— Тадбир жуда қизиқарли чиқишлар билан бошланиб, унда ўз истеъдодини катта саҳнада намойиш этишни хоҳловчи ҳар бир ёш ҳаяжон ва завққа тўлган ҳолда иштирок этди, — дейди 7-болалар санъат мактаби раҳбари Феруза Исмаилова. — Ҳозир ушбу

санъат даргоҳида 180 га яқин ёш санъат шайдолари мусиқа илмидан сабоқ олишади. Ўз билимларини синовдан ўтказишлари учун мана шундай фестивалларни ташкил этганмиз.

Дарҳақиқат, қизиқарли чиқишлар билан ўтган фестивалда эстрадамиз юлдузлари, «Тарона-2005» мукофоти совриндорлари Абдували Ражабов ҳамда Шайхонтоҳур чиқишлари ҳар бир ёш қўшиқчининг дилида ҳавас уйғотди, десак ағлишмаймиз. Бу уларнинг гулдурас қарсақларидан ҳам сезилиб турди.

Фестиваль давомида Яқсарой, Ҳамза, Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур туманидаги мусиқа мактаблариди таҳсил олаётган ёш санъат их-

лосмандлари иштирок этишди. Улар орасида 5-болалар мактабидан эстрада йўналиши бўйича Ҳамидулло Имомназаров «Жаҳон болалари» деб номланган кўшигини, шунингдек 22-мусиқа мактабидан пуфлаб чалинадиган асбобда ижро этган созандалар гуруҳи ўзларининг санъатларини катта маҳорат билан намоян этдилар.

Яқиният билан бошланган фестивални келгусида мусиқа ўқитувчилари орасида ўтказиш режалаштирилди. Ўйлаймизки, анъанавий айрилиб бораётган бундай санъат кўриклари юртимизда истеъдодли санъаткорларни етиштириб, мусиқа оламида янги-янги юлдузларни кашф этишда туртки бўлади.

Юлдаш УСМОН

Айни кунларда Тошкент шаҳар Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш бош бошқармаларининг «Олти ёшли болаларнинг тиббий кўриги тўғрисида»ги қўлма буйруғи асосида олти ёшли болаларнинг мактабга етуклик даражасини аниқлаш бўйича тиббий кўрик ўтказилмоқда.

Тиббий

БОЛАЛАР
КЎРИҚДАН
ЎТКАЗИЛМОҚДА

— Болалар соғлигини мустаҳкамлаш бутунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир, — дейди Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Дилором Маҳаммадалиева. — Ҳозир беморлиги аниқланган болаларни даволаш ва соғломлаштириш ишлари турли йўсинда олиб борилаётган. Улар уч ой давомида даволаниб, соғлиги яхшиланиб, жисмоний ва руҳий жиҳатдан мактабга ўқиш учун тайёр бўлишлари керак. Жорий йилда шаҳримизда 27041 нафар олти ёшли болалар мавжуд бўлиб, шулардан 22 минг нафардан зиёди, яъни 81,5 фоизи тиббий кўриқдан ўтказилди. 8475 нафари, 38,4 фоизи соғлом деб топилди. 61,6 фоизда эса жилдий бўлмаган касалликлар аниқланди. Бу жорий йилнинг биринчи чорағи, яъни 1 апрелгача аниқланган ҳолат. Мазкур тиббий кўриқнинг май ойида якунланиши кўзда тутилган. Бемор деб топилган болаларнинг 91,6 фоизи амбулатор шарафига даволанмоқда, яъни оилавий поликлиникаларда шифокорлар ёрдамида зарур муолажаларни олмақдалар. Қолганларига эса шифохоналарда ва махсус сиҳаттоҳларда шифо берилмоқда. Бутунги кунгача 31,3 фоиз болалар даволаниб, соғлиқлари яхшиланди. Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш, оилани режалаштириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила спортини ривожлантириш, асосийси эса, болажонларни турли хил касалликлардан асраш бизнинг асосий ва долзарб вазифамиздир...

Дарҳақиқат ўтказилаётган мазкур тиббий кўриқда ботгача қатъийланган ва қатнамайдиган олти ёшли болаларнинг иштироки таъминланмоқда. Тиббий комиссияда 8 та қасалик бўйича мутахассис шифокор педиатр, невропатолог, психоневролог, эндокринолог, ортопед-жарроҳ, отоларинголог, офтальмолог, стоматолог фаолият кўрсатмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 1998 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур тиббий кўрик, олти ёшли болалардаги касалликларни аниқлаш, аниқ таъшиш қўйиш ва даволаш борасида ўз самарасини бермоқда.

Гулзаҳон СОДИҚОВА

Биласизми?

МИННЕСОТА

АҚШнинг ғарбидаги йирик штатлардан бири. 1858 йилнинг 11 майида штат мақоми олга ва Американинг 32-штати айланган.

Майдони — 218.587 км². Аҳолиси 4 млн.дан ортик. Аҳоли кўпчилиги хижатидан АҚШ штатлари ичида 20-ўринни эгаллайди. Уларнинг 70 фоизи шаҳарларда, 30 фоизи қишлоқларда яшайди. Маъмурий маркази — Сент Пол шаҳри.

Йирик шаҳарлари — Миннеаполис, Бумингтон, Рочестер, Бруклин парк.

Штада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий савдо омили ҳисобланади. Дунёга машхур-эгизак шаҳарлар Миннесотада жойлашган. Улар Миннеаполис ва Сент Пол бўлиб, штатнинг асосий метрополитен худудидадир. Миннесотада минглаб сут берадиган сигирлар боқилади. Шу сабабли штат АҚШда сут маҳсулотларини етиштириб бериш бўйича етакчилик қилади. Шунингдек, бу ерда бугдой, ловия, маккажўхори ҳам экилади.

Штад компьютер яратиш саноатида алоҳида ўрин тутади. Эгизак шаҳарлар жуда йирик компьютер фирмаларига эга. Рочестер шаҳрида дунёга машхур Мейо клиник шифохонаси бор. У ерга ҳар йили минглаб одамлар даволаниш учун келадилар.

Миннесота номи ҳиндулар тилида, осмоннинг сояси деган маънони билдиради. 1880 йилда бу штат "Нон ва сариёғ штати" деган ном олган.

Миннесотанинг Дулуз шаҳри порт шаҳар бўлганлиги учун, балиқ овловчилар бу ерга келишни яхши қурадилар. Балиқ овлаш фақатгина оддий машхур эмас, балки балиқчиларнинг асосий тирикчилик воситаси ҳамдир.

МИССИСИПИ

АҚШнинг жанубидаги штат. 1817 йилнинг 10-декабрида штат мақоми олга ва мамлакатнинг 20-штати айланган. Майдони — 123.530 км². Аҳолиси — 2,5 миллион кишидан ортик. Зичлиги бўйича АҚШда 31-ўринда туради. Аҳолининг 53 фоизи шаҳар, 47 фоизи қишлоқларда яшайди. Штад рамзлари — манголия гули ва дарахти. Маъмурий маркази — Жексон шаҳри.

Йирик шаҳарлари — Билосси, Гринвил, Меридаун, Галворт.

Қадимда бу штат фермерлар ва оддий ишчилар макони бўлган. Аммо ҳозирги кунда у офис ишчиларининг шовқинли штати айланган. Миссисипида яшовчи халқ ўз тарихи билан фахрланади. Граждандар, фуқаролар урушидан олдин Миссисипи плантация эгаларининг ҳукмронлиги остида бўлган. Қора танлиларнинг кўзголонидан сўнг бундай ер эгаллиги барҳам топган.

Штада кемасозлик, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланади. Миссисипи пахта етиштириш ва паррандаларни кўпайтириш бўйича етакчилик қилади. Штатнинг ғарбий чегараси дарёлар билан ювилади. Миссисипи ҳам ана шундай дарёлар шарафига номланган бўлиб, ҳиндулар тилида Катта дарё, Улкан сув, Сувлар отаси деган маъноларни билдиради. Бу ерда сув сероб бўлгани сабабли, боғларда турфа ранг гуллар парвариши қилинади. Саёхатчилар айнан хушбўй гулларни томоша қилиш учун Миссисипига ташриф буюрадилар. Штада, шунингдек, қоғоз маҳсулотлари, мебель, енгил саноат ва сут маҳсулотлари тайёрланади. Миссисипини магнолия штати деб ҳам аташади.



Ўлкамизда баҳор шукухи.



Наталья Семёнова олган суратлар.

АРМОН ҚАТРА

Онам сафсар гулли кўйлакни ёқтирадилар. Мен биринчи фарзанд бўлганим учун ўғил набираларига (менинг тўнғич ўлимга) орзу, ҳавас билан суннат тўйи қилиб бердилар. Хамма расм-русумларни ўрнига қўйиб, меҳмонларни кузатган онаизорим, ниҳоят дам олишга ўтирдилар. Тўёна сарполарни ва совгаларни онамнинг олдларига қўйиб: "Ойижон, хаммага сарпо улашдингиз, энди ўзингизга ҳам ёққан кўйлакни танланг", — дедим. Шунда онам сафсар гулли бир кўйлақлик газмолни танладилар. Шунда мен: "Вой шунақаси менга ҳам ёқарди", дебман-да. Онам бир қилиб қўйиб, шуни сен тикиб қия қол, кўриб

қўзим яшнасин, дедилар.

Бутун умрини, жону жаҳонини, бор будини мен ва фарзандларимга бахшида этган онагинамга ихтиёрсиз айтган биргина ноўрин луқма-сўз қалбимнинг тубида армонларнинг эримас гарди бўлиб, ўрнашиб қолди.

Сафсар гулли, сафсар гулли матоҳни, сафсар гулли кўйлақларни жуда ёмон кўриб қолдим, чунки улар армоним чўқиндиларини кўзаб, азоб беради. Ҳар кун раҳматли онамнинг руҳи олдида кечирим сўрайман. Дунё бойликлари Онажонимнинг бир табассумига арзимас эканлигини армон билан эслаб ўтаман.

Фарзандларим совға қилиб келтиришган алвон рангли кўйлақларни кўриб эзиламан. Сафсар гуллисини эса бошқаларга бериб юбораман. **Машрабхон ЖУВОНМАРДИЕВА**

Шифокор маслаҳати

КЕМИРУВЧИЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Уй-жойларни, ҳовли-қўчаларни, ишхона ва унинг тева-варак-атрофларини тоза ва озода, саранжом-саришта сақлашлик саломатлиқнинг асосий гарови ҳисобланади. Уларнинг тоза тутилмаслиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва дон-дуяларнинг ўз вақтида йиғиштириб олинмаслиги каби "арзимас" сабаблар атрофимизда турли юкмули ва ўта хавфли касалликларни тарқатувчи кемирувчи ҳайвонлар, пашша, чивин, бурга ва қана каби турли ҳашаротларнинг кўпайишига сабаб бўлади.

Ўз уйимизда пайдо бўлмагунча биз уларни менсимаймиз, эътибор қилмаймиз. Лекин доимо уларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик зарур. Нима учун?

Кемирувчилар — асосан қулранг қаламуш ва уй сичқони аҳолига яқин жойларда кўп тарқалган бўлади. Маълумотларга қараганда, бир жуфт қаламуш бир йилда 800 тадан 1000 тагача кўпаяди. Битта қаламуш бир йилда 37 килограмм дон, 10 килограммдан кўпроқ гўшт истеъмол қилади, унинг авлодлари бир йилда 500 тонна ем-хашакни йўқ қилади, бугдой, гуруч, дала-поллиз экинларини, гўшт-сут маҳсулотларини

ишдан чиқаради. Энг асосийси, одамлар орасида ўткир ошқозон-ичак, салмонеллез, қорин терламоси, геморрагик, вирусли иситма, бруцеллез, ўлат каби касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлади. Ҳаттоки, кемирувчиларнинг одамларга ҳужум қилиши ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Табиийки, уларни бутунлай қириб йўқ қилиш мумкин эмас, лекин сонини камайтириш, уй-жой ва қорхоналарни улардан тозалаш тадбирларини ўз вақтида кўриш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Аҳоли тинчлини бузалиган, саломатлигига таъсир кўрсатувчи омилларга ҳо-наки ҳашаротлар — паш-

ша, чивин, бурга, қана ва сувараклар ҳам қиради. Маълумки, чивин, қана ва бургалар асосан одам ва ҳайвон қони билан озиқланади. Натижада улар нафақат инсонга хос бўлган касалликларни, балки ҳайвонлардаги бир қатор ўта хавфли касалликларни ҳам юқтиришлари мумкин. Суварак ва пашшалар эса ўз сўлаги ва чиқиндилари билан озиқ-овқат маҳсулотларини ифлослантириб, касаллик тарқалишига сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам уларнинг пайдо бўлиши ва кўпайишининг олдини олиш учун юқорида айтиб ўтилгандек ҳар ерда ва ҳар қачон озодалик, саранжом-саришталик бўлишига эътибор қилишимиз керак. Қорхона, ташкилот ва муассасалар, ширкатлар, маҳалла ва ҳокимликлар етарли маблағ ажратиш, уларга қарши курашиш чора-тадбирларини ташкил қилишлари зарур, деб ўйлаймиз.

Шоира ҚОСИМОВА,
Акмал Икромов туман дезинфекция станцияси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали врач.

Фестиваллар

"СЕҲРЛИ ЁҒДУ-2005"

Ўзбекистон Республикаси "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигида ташкил этилган "Қамалак" болалар ташкилоти 4 йилдирки, мамлакатимизнинг 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ёшларини ўз атрофида бирлаштириб, уларнинг жамиятимизнинг чивакам таянчи бўлиб етишишлари йўлида самарали тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Бу йил ҳам бундан мустасно бўлмаган ҳолда апрель ойининг бошларидан "Қамолот" ЁИХ Марказий Кенгаши биносида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги "Ёшлар" телеканалининг "Янги авлод" студияси, Ўзбекистон Киновидеоҳаваскорлар жамияти ҳамда Республика ўқувчилар ижодиёт маркази билан ҳамкорликда анъанавий "Сеҳрли ёғду-2005" болалар кино-фото фестивали ташкил этилди.

Ушбу фестивалдан кўзланган асосий мақсад ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ўзбек миллий киносига ҳамда фото санъатига меҳр уйғотиш, кино-фото касбига ўқувчиларни йўналтириш ва шу орқали кино-фото соҳаси ривожига кўмаклашиш, ўқувчиларнинг мактабдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва уларни бирлаштиришдан иборат.

Фестиваль Ватан, мактаб, спорт, табиат каби мавзуларни ўз ичига қамради. Энг яхши деб топилган фильм ва сурат голиблари учун Гран-при соврини, ҳар бир йўналиш голибларига Халқ таълими вазирлиги ва "Қамалак" болалар ташкилотининг Фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари топширилди.

Улуғбек ЕРМАТОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

127-акциядорлик автотранспорт жамоаси 2004 йил якунлари бўйича навбатдаги умумжамоа йиғилишини 2005 йил 20 май кuni соат 16.00 да ўтказлади. Йиғилиш автокорхона мажлислар залида бўлиб ўтади.

Манзил: 700034, Тошкент шаҳри, Қорасарой кўчаси, 325-уй.
«Тошшаҳарюктранс» уюшмасига қарашли очиқ турдаги акциядорлик 127-автокорхона балансининг 2004 йил 1-январдаги ҳолати

Актив: минг сўм	Пассив
1.Узоқ муддатли активлар	1.Ўзлик маблағларнинг манбалари
Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати: 90152,4	Устав капитал: 50000
Номоддий активларнинг қолдиқ қиймати:	Кўшилган капитал: 6504,7
Капитал қўйилмалар: 14721,9	Заҳира капитал: 51173,9
1-бўлим бўйича жами: 104874,3	Тақсимланмаган фойда: 2160,4
2-бўлим бўйича жами: 252806,1	1-бўлим бўйича жами: 132529,5
Баланс активи бўйича жами: 252806,1	2-бўлим бўйича жами: 120276,6
	Баланс пассиви бўйича жами: 252806,1

127-автокорхона ОАЖ маъмурияти

Спорт

**ПОЛВОНЛАР
ТЕРМИЗДА
БЕЛЛАШАДИ**

Хабар берганимиздек, 24-25 апрель кунлари Термиз шаҳрида Президент соврини учун кураш бўйича Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб VII халқаро турнир ҳамда фахрийлар ўртасида ўзбек ва белбоғли кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати ўтказилади.

Ҳозир Термизда ҳақиқий спорт байрами шукуҳи кезмокда. Зеро, халқаро турнир катнашчилари бўлмиш мамлакатлар полвонлари аста-секин ташриф буюришмоқда. Жумладан, шу кунгача Япония, Ҳиндистон, Греция, Янги Зеландия, Польша, Арманистон, Венгрия давлатларидан полвонлар етиб келишиб, машгулотларни бошлаб юборишди. Ҳаммаси бўлиб, хотира мусобақасида 20га яқин давлатлар вакиллари иштирок этади. Эрон, Буюк Британия, Туркия каби мамлакатлар шулар жумласидандир.

Фахрийлар ўртасида ўтказиладиган I жаҳон чемпионатида иштирок этадиган юртимиз вакиллари хусусида тўхталадиган бўлсак, нуфузли турнирга пухта тайёргарлик кўрилгани, хусусан, икки босқичдан иборат саралаш мусобақалари ўтказилганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Дастлаб вилоятларда ўзбек кураши ва белбоғли кураш бўйича беллашувлар ўтказилган бўлса, вилоятларда голиб чиққан полвонлар ўртасида Жиззах шаҳрида ҳал қилувчи босқич бахслари ташкил этилиб, том маънода энг қулилар саралаб олинди.

Жаҳон чемпионати 38 ёшдан бошлаб 66 ёш ва ундан юқори бўлган жами бешта ёш тоифаси бўйича, еттига вазндаги полвонлар иштирокида бўлиб ўтади.

Катнашчилар рўйхатиغا назар ташладиган бўлсак, Махтумқули Махмудов, (Сурхондарё), Тошазар Қўчимов (Сирдарё), Нурмуҳаммад Юсупов, Фатхулло Холиқов (Бухоро), Муҳаммаддўст Тошев, Омон Тоймуродов, Аъзам Шокирзонов (Тошкент) каби кўплаб номдор ва маҳоратли полвонлар галаба учун кураш олиб боришига ишонч ҳосил қиламиз.

Эслатиб ўтамиз, Ал-Ҳаким ат-Термизий халқаро хотира турнирида мутлақ вазнда голибликни кўлга киритган энг кучли полвон 17 минг АҚШ долларлик бош совринни кўлга киритади.

(Ўз мухбиримиз)

М.Турсунхўжаева номидаги Тошкент тиббиёт коллежи томонидан Алимова Нодира Бахтиёровна номига 2001 йил февралда берилган №439569 рақамли диплом рўйхатга олиш рақами - 623 йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўрабқулоғда вазиётлар

МУҲОҒАЗА КУНДА КЕРАК

Офат рўй бермай туриб унинг олдини олган афзал, дейдилар. Шу боис пойтахтимиз ҳудудида юзага келиши мумкин бўлган техноген ва табиий тусдаги фавқулодда вазиётларнинг олдини олиш мақсадида Фавқулодда вазиётлар бошқармаси ходимлари томонидан муҳим профилактика ишлари олиб борилмоқда.

Шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатаётган ўта муҳим, тоифалаштирилган, кимёвий ва ёнғин портлаш хавфи мавжуд бўлган объектларнинг барқарор ишлашини таъминлаш учун тасдиқланган режа асосида бошқарманинг раҳбар таркиби ва ходим-

лари томонидан кечаю кундуз ташкил қилинган навбатчилик ва хабар бериш тизимининг ҳолатини аниқлаш мақсадида турги текширувлар олиб борилмоқда ва аниқланган камчиликлар бартараф қилинмоқда.

Шунингдек, бундай объектлар атрофида истиқомат қилувчи аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида объектлардаги вазиёт доимий равишда назорат қилиниб, бошқарма навбатчилик-диспетчерлик хизмати ходимлари томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, шаҳар ҳудудида жойлашган бозорларнинг атрофида жойлаш-

Савол беришингиз табиий. Бу азаматлар яна қандай хунар кўрсатибди деб. Воқеани билгач, сиз ҳам қилмишига яраша жазосини олиши керак-да дейсиз.

... Пойтахтнинг А.Икромов туманининг 9 «Г» мавзесидаги 1-уй ёнидаги пивохона шу атрофда яшайдиган бекорчиларнинг «ишхона»-си. Хар кун тонгдан бекорчилар шу ерга йиғилишади. Баъзи ўғирлик ва фирибгарликларнинг режаси шу ерда тузилади.

Баъзилар бу ерни жанжалнинг уяси ҳам дейишади. Сабаби ичиб маст бўлган баъзи зўравонлар кимнидир дўппослашга тушади. Одатдагидек Андрей пивохонага келганида Димани кўриб қолди. Саломликдан сўнг пивогоа пулни қаердан топамиз деб туришганда, эски улфат Иван пайдо бўлди.

— Ичкарида бир бойвачча ўтирибди. Қайфи бор, — деди Иван. — Унинг қўлида «Нокия» русумли телефони бор. Уни «тинчишти» керак. Бозорда «100 кўкига» олади. Операцияни муваффақиятли уйдalasак, ишимиз зур бўлади.

Бу гап Андрей билан Дмитрийга маъқул келди. Пивохонага Дима билан Иван кириб бекор кружкдан пиво ичишди.

Жиноят жазосиз қолмайди

КУЛФАТ ҚИДИРГАНГА...

Акмал Икромов тумани жиноят ишлари судида навбатдаги суд иши кўриляпти. Суднинг қора курсисида Иван Поляков, Андрей Болтаев, Дмитрий Человечков ўтирибди. Иван билан Андрей илгари ҳам судланиб, қилмишига яраша жазосини олган. Дмитрий эса ҳали вояга етмаган.

Андрей ташқарида икки ҳамроҳининг командасини кутиб қолди. Нишонга олинган фуқаро А.Қодировнинг ҳам бир оз кайфи ошиб қолганди.

— Кечирасиз, телефонингиздан уйимга кўнғирок қилиб оласам бўладими? — деди Дмитрий А.Қодировга.

— Марҳамат. Лекин фақат узок гаплашманг. Биласиз, пул ёзади.

Дима «сотка»ни олиб уйига сим қоққан бўлди. Хеч ким жавоб бермади. Дима «сотка»ни эзасига қайтарди. Ва эшикдан мўралаётган Андрейга ишора қилди. А.Қодиров «сотка»дан қаергадир телефон қилмоқчи бўлган эди, шу пайт унинг қўлидаги «сотка»ни Андрей юлиб олди-ю, ташқарига отилди. Кутилмаган бу ҳолдан ҳамма ҳайрон бўлиб қолди. Пивоҳўрларнинг ҳаммаси муттаҳамни сўка-сўка ташқарига чиқишди. Бу

ишларга умуман алоқаси йўқдай Дима билан Иван ҳам пивохонадан чиқиб кетди. Фарход бозорига келишди. Андрей ўлжани пуллаш дардида бозордан миждоз ахтарарди. Бироқ кечгача катта бозорда «сотка» оламан, — дейдиган азамат топилмади.

Кечкурун учовлон уйларига қайтишди.

— Эрталаб эрталаб соат 9-00 да Фарход бозори ёнида учрашамиз, — деди Иван. — Қандай бўлмасин «сотка»ни сотиб бир мазза қилишимиз керак.

Эрталаб айтилган жойга биринчи бўлиб Андрей келди. Айби борнинг оёғи қалтирайди деганларидай, Андрей бекатда милиция ходимини кўргач бевозта бўлиб қолди. Бунинг сезган ички ишлар хизмати ходими Андрейдан ҳужжатларини сўради. Сўнгра уни нозир участка пунктига олиб келди.

ган автоуловлар тўхташ жойларида фавқулодда вазиётларнинг олдини олиш бўйича ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Аниқланган камчиликлар бўйича бозорлар маъмуриятига йўриқномалар берилиб, муаммолар жойида бартараф этилмоқда.

Айни пайтда Шайхонтоҳур туманидаги «Пахтакор спорт машгулотлари ўқув маркази» ОАЖ марказий кириш қисмида фавқулодда вазиётларнинг олдини олиш, бирор қор-ҳол рўй бергудек бўлса, тезкор ҳаракат қилиш мақсадида «Бирлашган механизация отряди» тузилган бўлиб, ҳозирда 32 нафар ҳайдовчи- мутахассислар, 17 та автотранспорт воситалари мавжуд. Отрядда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиётлар бошқармаси ҳарбий хизматчилари томонидан кечаю кундуз навбатчилик ташкил этилиб, мувофиқлаштирилиб борилмоқда.

Хуснияҳон ТОЖИБОЕВА

Унинг нима иш қилиб юрганини, қаерда яшашини сўради. У илгари судлангани ва бир фуқаронинг «Нокия» маркали телефонини ўғирлаганини айтиб қўйди. Сўнг шерикларини «сотди».

Кўп ўтмай Дима билан Иван ҳам қўлга олинди.

Туман ички ишлар бўлимига унинг шериклари олиб келинганда, ҳамма нарса ошқор бўлди. Телефон орқали жабрланувчи А.Қодиров ҳам топилди. Улар юзлаштирилгандан сўнг жиноят тўлиқ фош бўлди.

Албатта жиноий гуруҳ ўз қилмиши учун қонун олдида жавоб берди. Шу ўринда одамни бир нарса мулоҳазага чорлайди, арзимас матоҳ деб, уч йилит суднинг қора курсисига ўтирибди.

Инсонга ҳаёт бир марта берилади. Кимдир уни минг бор азобда, озодлиқнинг қадрига етмай темир панжара ортида ўтказди. Кимдир эса ўзидан яхши ном қолдириш учун ҳаракат қилади. Ҳар кимнинг қандай яшashi эса ўзига боғлиқ. Шарқ донишмандларидан бири «Кулфат қидирганга кулфатдир дунё, жаннат қидирганга жаннатдир дунё» деган экан.

Забихулло ЗИЯДУЛЛАЕВ,
Акмал Икромов туман прокуратураси терговчиси

Бу — қизик

**ЎЗГА ШАҲАРДА
БИТИРУВ КЕЧАСИ**

Ўрта мактабни битириш кечаси. У кечагина ўқувчи бўлган барча инсонлар қалбида абадий сақланиб қолади. Бундай фараҳли, файзли, қувнок ва гагмин кечани куй ва рақсиз тасаввур этиш мумкинми?

Американинг Миссури штатидаги Парди шаҳри маҳаллий ҳокимияти бу саволга мумкингина эмас, шарт ҳам, деб жавоб беришади. Битириш балларининг бу ерда таққ этилганига кўп эмас, оз эмас, роппа-роса 100 йил тўлди. Ҳозиргача тақводорлар кўп бўлган, мингта ақин аҳолига эга бу ерда бир замонлар оталар шундай қарорга келишган. Табиийки, рақсни «шайтоний», «пургуноҳ» деб атайдиган черков қонунчилигининг бу ҳаракатини қўллаб-қувватлаб келади.

1990 йил апрелининг ўрталарида АҚШ Олий суди Пәрдидаги мактабнинг 21 ўқувчиси ва улар ота-оналарининг билим даргоҳида рақс уюштириши таққиллашдек эскирган ҳукмини бекор қилишни сўралган арзини кўриб чиқди ва қарор чиқарди. Арзчиларни жумладан АҚШ федерал музофот хаками Россел Кларк ҳам қувватлаган эди. Унинг фикрича, бундай таққ черковни давлатдан ажратиш ҳақидаги Конституция қоидаларини бузишдан бошқа нарса эмас. Бироқ Фемида ҳомийлари арзини ҳеч қанақа изоҳсиз бекор қилдилар.

Шунга қарамай Пәрдидаги йигит-қизлар учун мактабни битириш бали қўшни Монат шаҳрида уюштириладиган бўлди. Аммо шунини айтиш лозимки, бу ўз туғилган кунининг бегоналар уйда нишонлашдек гап.



Абдурашул Ҳакимов чизган расм.

Изоҳча ҳо-жат ай-қ.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усундида босилган.
5009 нускада босилди. Қўғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтмани»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланилган.

«Шарқ» нашрий-матбос акциядорлик компанияси босмакхонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.